



ПОРТЛАШДАН КЕЙИН ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

Абулхайров Рустамхон Ибодуллаевич

Тошкент давлат юридик университети

“Криминалистика ва суд экспертизаси”

кафедраси ўқитувчиси

E-mail: r.abulxayrov@tsul.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7466829>

ARTICLE INFO

Received: 10th December 2022

Accepted: 20th December 2022

Online: 21th December 2022

KEY WORDS

Кўздан кечириш, асосий принциплар, хавфсизлик қоидаси, кўздан кечириш турлари, кўздан кечириш босқичи, асосий вазифалар, техник таъминот.

ABSTRACT

Ушбу илмий мақолада портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг умумий жиҳатлари кўрсатилиб, унда кўздан кечиришни ташкил этиш ва амалга ошириш қоидалари юзасидан асослантилган фикрлар билдирилган.

Шунингдек, портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг асосий принциплари, вазифалари, дастлабки босқичида амалга ошириладиган асосий ҳаракатлар, хавфсизлик чоралари, кўздан кечиришни расмийлаштириш, техник жиҳатдан таъминлаш тартиби баён этилган.

Кириш

Портлашдан кейинги ҳодиса жойини кўздан кечиришни ташкиллаштириш, тайёргарлик кўриш, зарур техник таъминотни йўлга қўйиш жуда муҳим босқич саналади. Аввало, портлаш ҳудуди унинг сабабларини аниқлаштиришда бирламчи ўрин эгаллаши билан ажралиб туради, иккинчидан, портлаш жойи жинорий гуруҳ фаолиятнинг бундан кейинги режаларини йўққа чиқариш учун ҳам хизмат қилади. Портлашдан кейинги воқеа жойининг кўздан кечиришида инсон саломатлигини унутмаслик лозим бўлади.

Хавфсизлик қоидаларини билмаслик ёки уларни назарга илмаслик тергов гуруҳи аъзолари ҳаётига жиддий хавф туғдириши билан бирга, аҳоли ўртасида

ҳам қурбонларни келтириб чиқариши мумкин[1].

Шунга кўра, воқеа жойини кўздан кечиришнинг умумий жиҳатларини ўрганиш, портлаш билан боғлиқ ҳолатларда ҳодиса жойини кўздан кечиришни тўғри ташкил этиш ва амалга ошириш жуда муҳимдир ўрин тутади. Амалда кўздан кечиришни илмий асосланган ва амалда тасдиқланган ёндашув асосида олиб бориш, иш тафсилотларни текшириш имконини беради ва ахборотнинг воқеа жойидан олиб чиқилишининг тўлиқлигини таъминлайди, бу эса ушбу мавзусининг долзарблигини билдиради.

Таҳлил

Портлашдан кейин кўздан кечириш, бу кўздан кечиришнинг энг қийин кўп



вақт талаб қиладиган мураккаб тури ҳисобланади.

Кўздан кечиришни замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш самарали ҳисобланади. Умуман олганда, пировард мақсад максимал даражада воқеа жойидан маълумот олиш ва уларни тизимлаштириш саналади. Замонавий технологиялар сифатида, мисол учун, ГПС воситаларини кўрсатиш мумкин. Воқеа жойининг муайян координаталарини олиш орқали умумий қиёфасини шакллантириш, айниқса, катта аҳамиятга эга.

Ҳодиса жойига борган терговчи ушбу жойда жиноят ёки бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини фарқлай олмаслиги мумкин. Шу сабабли, ушбу ҳолат бўйича зарур маълумотга эга бўлиш учун дастлаб ҳодиса содир бўлган жойнинг чегараларни аниқлаб олиши зарур. Ушбу чегара ҳодиса содир бўлган жойни тўлиқ қамраб олган бўлиши лозим. Кўп ҳолатларда ҳодиса содир этилган жой ва жиноят содир этилган жой бир бирига мос келмаслиги мумкин.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш кераксиз тергов ҳаракати ҳисобланмайди, балки энг муҳим тергов ҳаракати ҳисобланиб, унинг ҳар томонлама тўлиқ ўтказилиши содир этилган жиноятни мувоффақиятли қош этилишига сабаб бўлади. “Бу кўздан кечиришнинг энг қийин турларидан бири бўлган портлаш жойини кўздан кечиришга қўлланилади” [2].

Ҳодиса жойини кўздан кечириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 135-141-моддаларида ўзининг аксини топган.

Мавжуд ҳуқуқий талаблар ва амалий тажриба бизга ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг қўйидаги асосий принципларни шакллантиришга имкон беради.

1. Қонунийлик.

Кўздан кечириш жиноят-процессуал қонунчилиги талабларга тўлиқ мос равишда амалга оширилиши керак, акс ҳолда унинг бузилиши шу тарзда олинган далилларни номақбул далил деб тан олишга олиб келади.

2. Тезкорлик.

Ҳодиса жойига зудлик билан бориб, кўздан кечиришни тезкорлик билан бошлаш лозим. “Ушбу талаб ҳодиса жойини кўздан кечиришда ҳолатни максимал даражада сақлашга йўналтирилган ва бевосита кўздан кечиришнинг самарали ва натижали бўлишини таъсир қилади” [3].

3. Тўлиқлиги.

Далиллар синчиклаб кўздан керилиши керак ҳамда баённомага тўлиқ тўлиқ акс эттирилиши лозим.

4. Узвийлик.

Яъни, кўздан кечириш тизимли равишда умумийдан хусусийга қараб амалга оширилиши керак.

5. Обьективлик.

Бунда ҳолат тўлиқ ўрганилиши ва қайд этилиши лозим, бирон бир вазифтни ва далилни эътибордан қолдирмаслик муҳим ҳисобланади.

Воқеа жойига етиб келгандан сўнг вазиятдан хабардор бўлиш воқеа содир бўлган жойда барчанинг хавфсизлиги учун жуда муҳимдир. Портлаш ҳодисаси юз берган жойларда портловчи воситанинг тури ва миқдори, содир бўлган муҳит ёки ҳудуддан (очиқ ва ёпиқ майдон, сувости ва бошқа) келиб чиқиб хилма-хил хатарларга тўлиб-



тошган бўлади. Дастлабки чораларни кўрувчи инсонлар вазиятни тўлақонли англаб етишлари, ўзлари ва ўзгаларнинг хавфсизликларини таъминлашлари, шунингдек, доимий равишда портлаш содир бўлган жойдаги ўзгаришларни баҳолаб боришлари лозим [4].

Юқоридаги портлашдан кейинги воқеа жойидаги “доимий огоҳлик” принципи кўздан кечириш учун йўналган гуруҳнинг яқдил мақсадини ифодалаш, хавф доирасидаги ҳар қандай шахсни эҳтимолий хатарлардан ҳимоя қилиш, ишнинг бориш кўлами, ҳар қандай арзимас жиҳатларни ҳам қайд қилиб бориш орқали самарадорлик ошиши, жиноятчиларнинг излари асосида кейинги ҳаракат режасини тахминлаш учун зарур ҳисобланади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳажми бўйича асосий (бошланғич), қўшимча ва қайта (такрорий) каби турларга бўлиш мумкин.

Ҳодиса жойида махсус объектларни кўздан кечириш зарур бўлганда қўшимча кўздан кечириш ўтказилади, чунки асосий кўздан кечириш жараёнида ушбу объектлар етарлича кўздан кечирилмаган ёки умуман кўздан кечирилмаган бўлиши мумкин. Ҳодиса жойини қайта кўздан кечириш дастлабки кўздан кечириш сифатсиз олиб борилган ҳолатларда амалга оширилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришни тайёргарлик ёки ташкилий, умумий текшириш, батафсил текшириш, якуний босқичларга ажратиш мумкин.

Ҳодиса жойини ўздан кечиришнинг умумий мақсадига ҳолатга аниқлик киритиш, зарур далилларни аниқлаш

топиш ва қайд этишни киритиш мумкин.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг махсус вазифаларига ҳодиса жойи чегараларини аниқлаш, хонанинг тури ва жойлашиши ўрганиш, объектларнинг турган ва бир бирига нисбатан жойлашувини аниқлаш ҳамда тергов учун муҳим бўлган изларини қидириш киради.

Портловчи қурилмалардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолларда содир бўлган ҳодисани кўздан кечиришнинг асосий вазифаларига вазиятни, тегишли далилларни, портлашга ҳисса қўшган шароитларни, ҳақиқий ҳолатни, портлаш марказини, унинг табиати, кучини, портловчи ва портловчи қурилманинг тахминий ўлчамларини, уни ишлаб чиқариш усули ва фаоллаштириш усулини, жиноят содир этган шахсни аниқлаш киради.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг тайёргарлик босқичида ҳодиса ҳақида маълумот тўпланади. Бунга портлаш қаерда ва қачон содир бўлганлиги, воқеа ҳақида ким хабар берганлиги, жабрланувчилар бор ёки йўқлиги, уларга тиббий ёрдам керак ёки керак эмаслиги, гувоҳлар бор-йўқлиги, портлашга нима сабаб бўлганлиги, портлаш оқибатлари, портлаш жойида газ ва бошқа хавфли моддалар бор-йўқлиги ҳақида маълумотлар киради.

Терговчи олинган маълумотларга асосланиб ҳамда мутахассислар фикрни ҳисобга олган ҳолда ҳодиса жойидаги хавф даражасини аниқлаши керак ва воқеа ҳудудига фуқароларни қўймаслик масаласини бўйича ички ишлар органларига топшириқ бериши лозим.

Агар ҳодиса жойида тахмин қилинган хавф бўлмаса кўздан кечириш дарҳол



давом этиши лозим. Портлаш жойини кўздан кечириш мураккаблигини инобатга олган ҳолда мутахассис жалб қилиш лозим.

Портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришда технолог, электрик, механик, қурувчини, шунингдек портловчи моддалар, ёнғин ва техник соҳасидаги мутахассисларни ҳамда суд тиббий экспертини жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Бироқ, уларни қайси бирини жалб этиш масаласи эса портлаш шароитларидан келиб чиқиб ҳал этилади.

Портлаш ва дастлабки маълумотлар ҳақида хабар олгандан кейин ушбу портлаш хусусиятига мос келадиган техник воситалар ҳодиса жойига олиб борилади. Асосий воситаларга фотоаппарат, видеокамера, ўлчов асбоблари, микроскоп, ҳудудни тўсиш учун воситалар, тергов чамадони киради. Портловчи қурилма ва унинг парччаларини аниқлаш учун магнитли воситалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ҳодиса жойи умумий кўздан кечириш ҳудуднинг режа-схемасини тузишдан бошланади. Шундан кейин, ҳодиса жойига чегаралар ўрнатилади, ундан кейин ҳодиса жойи ва далилларнинг дастлабки ҳолати ва жойи фотосуратга олинади. Хонада портлаш содир бўлган тақдирда, бинонинг схемасини олиб ўрганиш лозим бўлади.

Портлаш содир бўлган ҳолларда катта майдонни ташқил этса, ҳудудни шартли равишда секторларга ажратиш ва уларни кетма-кет кўздан кечириш мақсадга мувофиқ. Портлаш майдони кичик бўлган ҳолда консентрик усулдан фойдаланиш керак, камдан кам

ҳолларда фронтал кўздан кечиришдан фойдаланиш тавсия этилади.

Портлаш маркази режа диаграммасида кўрсатилади. Портловчи қурилманинг тахминий кучи, текширув чегаралари, портлашнинг тахмин қилинган маркази, батафсил кўздан кечириш усуллари аниқланди.

Ушбу босқичда ҳолатни таҳлил қилиш кўпроқ маълумот олишга ва ҳодиса жойини батафсил кўздан кечиришга имкон беради.

Ҳодиса жойини деталли кўздан кечиришни иккига бўлиш мумкин. Биринчи статик деталли кўздан кечириш бўлиб, бунда бирон бир ашё жойи ва ҳолати ўзгартирилмасдан кўздан кечирилади. Кейингиси динамик кўздан кечириш бўлиб, унда объект унга халақит берувчи нарса(лар)дан олиниб ҳар томонлама кўздан кечирилади.

“Портлаш жойини кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусияти унинг портлаш эпицентридан ажратилиб зоналар бўйлаб ўтказилишидир”[5].

Портлаш майдонини тахминий тўртга бўлишимиз мумкин бўлиб, бунга портлаш маркази (2 метргача), яқин (5 метргача), ўрта (50 метргача), узун (50 метрдан ортиқ) ҳудудларга ажратиш мумкин. Кўздан кечиришда ҳар бир ҳудуд эҳтиёткорлик билан батафсил кўздан кечирилиши лозим.

Кўздан кечиришнинг якуний босқичида ашёвий далиллар олинади, баённома тузилади ва иштирокчилар таништирилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 141-моддасига асосан, ушбу Кодекснинг [90 — 92-моддаларида](#) назарда тутилган қоидаларга мувофиқ терговга қадар



текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчи кўздан кечириш ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузади, суд эса кўздан кечириш жараёнини ва унинг натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади. Баённомада кўздан кечириш давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай ҳолатда кузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади. Кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар санаб ўтилади. Олинган буюмнинг эгасига тегишли маълумотнома ёки баённоманинг нусхаси берилади. Бундан ташқари, баённомада: кўздан кечириш қайси вақтда, қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги; қандай илмий-техника воситалари қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги; кўздан кечиришда кўмаклашиш учун кимлар жалб қилинганлиги ва кўмаклашиш нимада ўз аксини топганлиги; қандай нарсалар ва ҳужжатлар қай тартибда ва қандай муҳр билан муҳрланганлиги; кўздан кечирилганидан кейин мурда ва иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларнинг қаерга юборилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим[6].

“Портловчи қурилмаларни ва ускунанинг асосий зарядини, шунингдек электр ҳаракати бошловчи воситалар ва қувват манбаларини битта пакетда сақлаш ва ташиш қатъиян ман этилади”[7].

Ҳодиса содир бўлган жойларни кўздан кечиришда ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, шунингдек, ўқотар

қуролларнинг ишлатилганлиги билан боғлиқ турли хил буюм ва нарсалар (отилган ўқ ва патронлар, сочма ва ясама ўқлар, ўқ теккан кийимлар ва бошқа жисмлар) аниқланиши мумкин[8].

Бу жараёнларда тактик тарафдан ўзгармас қоидаларни доим эсда сақлаш ва далилларни йиғиш ва уларни сақлаш жараёнларида уларни ўзгармаслигига ҳаракат қилиш лозим.

Ашёвий далиллар олинишида бир неча қатламли полиэтилендан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Кичик ашёвий далиллар энг яхши қадоқланган шиша идишларда сақлаш лозим.

Портлашдан кейинги воқеа жойини техник жиҳатдан таъминотини қуйидаги бешта йўналишга бўлиш мумкин ва уларнинг ҳар бирида алоҳида ҳаракатлар ва воситалар қўлланилади:

- умумий восита ва буюмлар;
- дастлабки чора-тадбирлар;
- воқеа жойини кўздан кечириш;
- воқеа жойини ҳужжатлаштириш;
- воқеа жойида далилларни йиғиш жараёни;
- кўздан кечиришни якунлаш ва уларни ҳужжатлаштириш[9].

Воқеа жойини кўздан кечиришда ишлатиладиган доимий воситаларга компас, ёритиш воситалари, воқеа жойини қайд этишда ишлатиладиган воситаларга камера, овоз ёзиш қурилмалари киради.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришни ўз вақтида ва сифатли ўтказишда уни ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда, аввало, бу муҳим тадбирни ўтказиши лозим бўлган тергов ва тезкор-қидирув гуруҳи таркибининг тўлиқ бўлиши, улар зарур криминалистик техника воситалари



билан қуролланган бўлиши шарт. Ушбу талаб экспертлар, мутахассислар, холислар ва тезкор масалаларни ҳал этиш учун ички ишлар органлари ходимларининг ҳозир бўлиши ҳамда кўздан кечиришда ишлатилиши талаб этиладиган жиҳоз ва ускуналарнинг тайёр ҳолда бўлиши зарурлигини англатади[10].

Шу ўринда “Жиноят содир этиш вақтида изларнинг шакилланиш механизими бир қатор хусусиятларга эга”[11] эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Баённомада олинган далилий ашёнинг номи, воқеа содир бўлган жойда унинг жойлашган жойи, шунингдек умумий ва алоҳида белгилари кўрсатилиши лозим. Далилий ашёлар олиб идишларга солингандан кейин терговчи ва

гувоҳларнинг имзолари билан муҳрланиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда портлашдан кейин ҳодиса жойини кўздан кечиришни тактик ва техник қоидаларга риоя қилиниб, воқеа жойидан далиллар тўлиқ йиғилиб, кейин сақланиши, аввало, уларнинг хавфсизлигини таъминлайди ва ушбу ҳолатда содир этилган жиноятларни ўз вақтида фош этилишига ҳамда айбдор шахсларни аниқлашишига ёрдам беради.

Шунингдек, портлаш пайтида юзага келадиган жараёнлар ҳақида назарий ва амалий билимларга эга бўлиш, орттирилган амалий тажрибалардан фойдаланиш кўздан кечириш жараёнида юзага келадиган турли хил бахтсиз ҳодисаларнинг олди олишга ўз ҳиссасини қўшади.

References:

1. Галаган В.И. Использование следователем информации на первоначальном этапе расследования, Автореф. Дис... канд. юрид.наук.-- Киев. 1992. – 24 с.
2. Тактика следственных действий. Г.П. Давыдов, В.А. Притузова, В.И. Шевченко. М., 1959, с. 6.
3. Власова Н.А., Соловьёв А.Б., Токарева М.Е. Общие условия предварительного расследования: Монография. -М.: Юрлитинформ, 2005. – с. 7
4. Organisation and operations management at the explosive incident scene, Colleen M.Donovan. 2016 by the American College of Emergency Physicians. p.12
5. Зинин А.М. Участие специалиста в процессуальных действиях: Учебник. — М., 2011.- с. 176
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. Тошкент 1994 йил.
7. Дубынин Е.А. Первоначальный этап расследования хищений взрывчатых веществ и взрывных устройств в промышленности. Красноярск, 2000, с. 32.
8. Криминалистик тактика. Дарслик. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. — Т., 1996. – б.45-49
9. A guide for explosion and bombing scene investigation, U.S. Department of Justice, Office of Justice Programs, National Institute of Justice, June 2000, NCJ 181869. p.3
10. Zakurlayev A. Terrorizmga qarshi kurashning kriminalistik jihatlar. – Т., 2018. В-122



11. Azim Baratov. (2022). INITIAL CRIMINAL INVESTIGATION SITUATIONS. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 4(11), 12-17. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume04Issue11-03>
12. Жураев, Ш. (2022). ЗНАЧЕНИЕ ПОНЯТИЕ «ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА» В УЗБЕКИСТАНЕ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(12), 1406-1418.
13. Жураев, Ш. (2022). Ма'мурий суд ishi yurituvida sud xarajatlariga oid ayrim huquqiy masalalar. *Общество и инновации*, 3(6/S), 43-51.
14. Juraev, S. (2021, April). PROTECTION OF THE RIGHT OF HUMAN ENVIRONMENTALLY SAFE LIVING. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 153-157).
15. Juraev, S., & Heli, P. (2022). PUBLIC INTEREST AND PRIVATE INTEREST IN THE ADMINISTRATIVE LAW OF UZBEKISTAN. *Involta Scientific Journal*, 1(4), 55-69.
16. Okyulov, O., Ruzinazarov, S., Ibratova, F., & Samigjonov, F. (2021). LEGAL ISSUES OF JUDICIAL ACTS IN CIVIL PROCEEDINGS UNDER THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *Znanstvena Misel*, (58), 14-17.
17. Ibratova, F., & Samigjonov, F. LEGAL REGULATION OF THE OBSERVATION PROCEDURE UNDER THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *ECONOMIC SCIENCES*, 30.
18. Самигджонов, Ф. (2021). МАЪМУРИЙ ЮРИСДИКЦИЯ ВА МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. *ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ*, (SPECIAL 1).